# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 18 июнь, № 123 (9018) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Остона шаҳрида «Марказий Осиё – Хитой» иккинчи саммитида иштирок этди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни устувор йўналишларда кенгайтириш истиқболлари, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали минтақанинг барқарор тараққиётини қўллаб-қувватлашдаги ўрнини алоҳида таъкидлади.

2023 йилда Сиань шаҳрида ўтган биринчи саммитдан сўнг “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, котибият ташкил этилди, вазирлар, экспертлар учрашувлари ва йиғилишларини ўтказиш механизмлари ишга туширилди, кенг кўламли ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси шакллантирилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда, жорий йилда бу кўрсаткич 100 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

— Бизнингча, бир томондан, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айланган Марказий Осиёнинг ўзидаги чуқур трансформация жараёнлари, бошқа томондан, Хитой раҳбариятининг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва “Белбоғ ва йўл” глобал концепциясини илгари суришга қатъий содиқлиги ушбу форматдаги ҳамкорликнинг ривожланишига имкон бермоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнг Ўзбекистон етакчиси минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Аввало, бу галги учрашув халқаро вазият сезиларли даражада ёмонлашган бир шароитда ўтаётгани таъкидланди.

Рақобатнинг ортиши кескинликнинг зўрайишига, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

— Низоли халқаро масалалар ва зиддиятли муаммоларни ҳал қилиш учун куч ишлатиш воситаларидан фойдаланиш ўзини оқламайди ва бунга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблаймиз, — деди Президент. — Барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокаралар столида ҳал этилиши шарт.

Шу муносабат билан саммит давомида минтақавий барқарорликни таъминлашга умумий ҳисса қўшадиган Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу шартномани ривожлантириш мақсадида аниқ механизм ва лойиҳаларни киритган ҳолда Узоқ муддатли шериклик концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон — Хитой:

## КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин музокара ўтказди.**

Икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Барча даражаларда алоқалар ва алмашинувлар сезиларли фаоллашгани қайд этилди.

Ташқи ишлар вазирларининг стратегик мулоқоти йўлга қўйилди. Жорий йил июнь ойи бошида Самарқанд шаҳрида иккинчи Ҳудудлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Савдо-иқтисодий ва молиявий-инвестицион ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал зоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда, «BYD» электромобилларини ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

«Яшил» энергетика, нефть-газ, кимё, фармацевтика, металлургия, тоғ-кон, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш тармоқларида ҳамда логистика, «ақлли» қишлоқ хўжалиги, сунъий интеллект ва рақамлаштириш соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хитойнинг етакчи молия институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. «Ипак йўли» жамғармаси билан инвестиция платформасини кенгайтириш режалаштирилган. Хитой Эксимбанки иштирокида пойтахтимизда Олимпия шаҳарчаси қурилиши якунланмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу банкнинг минтақавий филиали очилди.

Камбағалликка қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўли қурилишини жадаллаштириш муҳимлигини ҳам қайд этдилар.

Таълим, фан, туризм ва маданият, кадрлар тайёрлаш ва хитой тилини ўрганиш соҳаларидаги алмашинувларни ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Ўзбекистонда Хитойнинг Шимоли-Ғарбий қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги университетининг филиали фаолият кўрсатмоқда, Урганч университети негизида Пекин университети билан ҳамкорликда Халқаро математика маркази ташкил этилган.

Ўтган йили Конфуций институти фаолиятининг 20 йиллиги нишонланди, Хитойнинг «Лу Бань устахонаси» профессионал таълим тизими жорий этилмоқда.

Келгуси йилда икки мамлакатда маданият ва санъат ҳафталикларини ўтказиш режалаштирилган.

Учрашувда халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. БМТ, ШҲТ, «Марказий Осиё — Хитой» формати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мувофиқлашув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Якунда етакчилар ҳузурида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокаралар якунлангани тўғрисида баённома имзолангани эълон қилинди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ» ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелович Тоқаевга самимий қабул ва “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити юқори даражада ташкил этилгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Хитой Халқ Республикаси Раиси ҳурматли Си Цзиньпин жанобларига минтақа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий содиқлиги учун ташаккур айтаман.

Сизнинг “Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдамга асосланган кўп асрлик дўстлик ва шериклик риштaлари ҳамда яқин алоқаларни ўрнатиш ва юқори сифатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилиш боғлаб туради”, деган сўзларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Яқинда нишонланган таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизнинг шаънингизга билдирилган самимий қутлов ва тилакларга ҳам қўшиламан.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги учрашувимиз кун тартиби ва тайёрланган ҳужжатларни, жумладан, Остона декларациясини қўллаб-қувватлайман.

Чўлланишдан огоҳлантириш, таълим соҳасида ҳамкорлик, камбағалликка қарши курашиш бўйича қўшма марказлар, шунингдек, Марказий Осиё ва Хитой узлуксиз савдо платформаси ишга туширилганини олқишлайман. Ҳеч шубҳасиз, бу механизмлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтиришга имкон беради. Ўзбекистон бундай тузилмалар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиш ниятида.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хитой донишмандлари айтганларидек: “Кимки дўстлари билан бирга қадам ташласа, узоққа боради”.

Биз Сиандаги илк тарихий саммитимиздан кейин жиддий натижаларга эришдик. Юқорида таъкидланганидек, ҳамкорликни кўп даражада мувофиқлаштиришни таъминлайдиган Котибият тузилди.

Турли йўналишлар бўйича вазирлар ва экспертларнинг учрашув ва йиғилишларига оид самарали механизмлар ишламоқда, кенг кўламли ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси шакллантирилмоқда.

Таҳлиллар Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан умумий савдо айланмаси ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Жорий йилда бу кўрсаткич деярли 100 миллиард долларга етади. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 10 мингдан ошади.

Бизнингча, бир томондан, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айланган Марказий Осиёнинг ўзидаги чуқур трансформация жараёнлари, бошқа томондан Хитой раҳбариятининг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва “Белбоғ ва йўл” глобал концепциясини илгари суришга қатъий содиқлиги ушбу форматдаги ҳамкорликнинг ривожланишига имкон бермоқда.

Шу муносабат билан кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги ўз қарашларимизни билдирмоқчиман.

Бугунги учрашувимиз халқаро вазият сезиларли даражада ёмонлашиб бораётган шароитда бўлиб ўтмоқда. Йўқотиш ва талафотларга сабаб бўладиган можаролар янгидан аланга олмоқда, глобал ва минтақавий даражадаги йирик давлатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик кучаймоқда.

Рақобатнинг ортиши кескинликнинг зўрайишига, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Низоли халқаро масалалар ва зиддиятли муаммоларни ҳал қилиш учун куч ишлатиш воситаларидан фойдаланиш ўзини оқламайди ва бунга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Муҳтарам Си Цзиньпин жаноблари, Сизнинг давом этаётган можаролар ва урушларда ҳеч қандай ғолиблар бўлмайди, деган сўзларингизга тўлиқ қўшиламан.

Барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокаралар столида ҳал этилиши шарт.

Таъкидлаш керакки, олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда халқаро муносабатларнинг ҳозиргидан кўра барқарор тизимларини таъминлаш учун мамлакатларни бирлаштиришга қодир бўлган минтақавий механизмларнинг аҳамияти ва роли ошмоқда.

Шу муносабат билан бугун мамлакатларимиз ўртасидаги Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилинишини тарихий воқеа, деб ҳисоблайман. Ушбу ҳужжат минтақавий барқарорликни таъминлашга қўшган умумий ҳиссамиз бўлиб қолади. Шартномани амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда аниқ механизм ва лойиҳаларни қамраб олган Узоқ муддатли шериклик концепциясини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Савдо, инвестиция ва технологик ҳамкорлик Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишда кучли локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина мисолни келтириб ўтаман.

Хитойнинг илғор тажрибаси асосида бизнинг мамлакатимизда саноат салоҳияти ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, ҳудудларимизда янги иш ўринларини яратишга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Таъкидлайман: Марказий Осиё мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш билимлар билан алмашиш ва технологиялар трансферининг самарали механизмларига эга бўлган умумий кенг имкониятлар макони пайдо бўлишига олиб келиши лозим.

Ишончим комил, янги иқтисодий шериклик дастурининг тезроқ қабул қилиниши ушбу йўналишда яна бир амалий қадам бўлади.

Ушбу дастурни аниқ вазифалар билан тўлдириш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириш учун мамлакатларимиз Бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича минтақалараро кенгаш таъсис этишни таклиф этаман. Унинг биринчи учрашувини шу йилнинг охирига қадар Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш мақсадида “Рақамли белбоғ ва йўл” доирасида “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш тарафдоримиз.

Тошкентда регламент ва стандартларни яқинлаштириш, Хитой талаблари бўйича экспорт маҳсулотларини сертификатлаштириш масалалари билан шуғулланадиган Саноатда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш минтақавий марказини яратишни долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бизнес, етакчи тадқиқот институтлари ва муҳандислик марказларини жалб этган ҳолда технологиялар трансфери бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилишни таклиф этаман.

Саноат соҳасидаги ва инфратузилмавий боғлиқликнинг кучайиши мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради. Шу мақсадда “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилмавий маконини яратишга қаратилган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Бу ўринда гап Хитойнинг инвестициялари, технологик ва илмий ечимларини жалб этган ҳолда ўзаро боғлиқ саноат кластерлари, технопарклар ва логистика хаблари тизимини яратиш ҳақида бормоқда.

Бундан ташқари, энергетика вазирлари Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой энергетика тизимларини боғлаш, жумладан, юқори кучланишли электр узатиш тармоқларини қуриш бўйича мегалойиҳаларни амалга ошириш масалаларини диққат билан ўрганишлари лозим.

Минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган самарали молиявий воситаларни жорий этиш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Қайд этмоқчиманки, бугунги кунда амалда бўлган халқаро механизмлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим роль ўйнамоқда, аммо минтақанинг инвестицияга бўлган талабини тўлиқ қоплай олмаяпти.

Экспертларнинг хулосасига кўра, Марказий Осиёни инфратузилмавий ривожлантиришда капитал қўйилмалар тақчиллиги бир неча юз миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

Шу муносабат билан инфратузилмаларга оид ташаббусларни илгари суришда самарали платформага айланиши мумкин бўлган “Марказий Осиё — Хитой” тараққиёт жамғармасини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ» ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий Осиё ва Хитойнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш яна бир устувор йўналиш ҳисобланади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланганини Евроосиё маконида янги транспорт ва транзит коммуникациялари тизимининг муҳим элементи, деб ҳисоблаймиз.

Барча мамлакатларимиз учун кенг имкониятлар очадиган ва Хитойни минтақамиз орқали Жанубий Осиё билан боғлаш имконини берадиган Трансафғон темир йўл магистрали лойиҳаси амалга оширилишининг қўллаб-қувватланишига умид қиламиз.

Ушбу стратегик соҳа истиқболига оид умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун транспорт идораларимизга дала тадқиқотларини олиб бориш, логистика инфратузилмасини модернизация қилиш имкониятларини ўрганиш, муқобил йўлаклар бўйича юкларни ташиш борасида синов тариқасидаги лойиҳаларини амалга ошириш учун экспертлар гуруҳларини шакллантириш юзасидан топшириқ беришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Улар фаолиятининг натижалари бўйича кейинги учрашувимизгача транспорт йўлаклари ва замонавий транзит инфратузилмаларининг ягона харитасини шакллантириш учун аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Мамлакатларимиз барқарор тараққиётига жиддий таҳдидлардан яна бири — бу иқлим ўзгаришлари оқибатларидир.

Ишончим комил, минтақада Хитойнинг илғор тажрибасини кенг жорий этиш хатарларни камайтириш, “яшил” кун тартиби ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Шу муносабат билан 2030 йилгача мўлжалланган “Яшил” ривожланиш дастурини қабул қилиш ва уни амалга оширишга имкон қадар тезроқ киришиш муҳимдир.

Чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, қурғоқчил ва чўл ҳудудларда биоэкологик барқарорликни ошириш соҳасида мулоқот ва шериклик учун бизнинг форматда Экологик альянсни тузишни таклиф этаман.

Қайд этмоқчиманки, Хитой тажрибаси ва услубидан фойдаланган ҳолда биз минтақада комплекс кўкаламзорлаштириш ва питомниклар яратиш, биомуҳандислик, биомониторинг станцияларини ривожлантиришни, шунингдек, ижтимоий-таълим дастурларини қамраб олган синов тариқасидаги лойиҳаларни амалга оширишимиз мумкин.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларига алоҳида тўхталишни истар эдим. Айнан ушбу йўналишлар бугунги кунда миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини белгилаб, узоқ муддатли ўсишнинг драйвери бўлмоқда.

Хитой интеллектуал тизимлар ривожланишида етакчилик қилиб, ушбу йўналишда анъанавий равишда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ишончим комилки, сунъий интеллект ва чекланмаган, трансчегаравий электрон каналлар асосида ишлайдиган катта маълумотлар базалари ва процессинг марказларининг Ўзаро интеграциялашган банклар тармоғини яратиш иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор рақамли инфратузилмасини шакллантириш имконини беради.

Асосий энергетика ва транспорт йўналишлари бўйлаб “Марказий Осиё — Хитой” оптик толали алоқа тармоғининг рақамли трассасини барпо этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу онлайн савдо, “ақлли” логистика, булутли технологиялар ва сунъий интеллект — Сиань декларациясида ўз ифодасини топган рақамли кун тартибининг барча йўналишларини янада ривожлантириш учун асос яратади.

Халқларимизнинг бир-бирининг маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашишга бўлган умумий интилиши — бу бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Маданиятлар рангбаранглигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда бизнинг ҳамкорлигимиз миллионлаб инсонлар учун маданий алмашув йўлида янги имкониятларни очмоқда.

Бугун қабул қилинаётган Ўзаро ташрифларни енгиллаштириш бўйича ташаббус ва Маданий-гуманитар тадбирлар дастури айнан шу мақсадларга қаратилган.

“Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли порталини яратишни таклиф этамиз. У Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг тарихий-маданий ресурсларини, улардан тадқиқотчилар, талабалар, сайёҳлар ва креатив саноат вакилларининг фойдаланишига имкон берган ҳолда бирлаштиради.

Профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, университетлар ректорлари форумларини ўтказиш, илмий академиялар ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш орқали умумий илмий-таълим платформаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳал қилувчи устувор йўналишлардан бири бўлиб қолиши керак. Махсус хизматлар ва хавфсизлик кенгашлари йўналишида терроризм, экстремизм, радикализм, наркотрафик, ноқонуний миграция ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ахборот алмашишнинг кўп томонлама ишчи механизмларини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Биз учун нафақат қўшни, балки умумий тарихий-маданий ва иқтисодий маконимизнинг ажралмас қисми бўлган Афғонистон муаммоларига халқаро ҳамжамият эътиборининг пасайиши жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари Афғонистоннинг ҳамкорлик бўйича бой тажрибага эга бўлган анъанавий шериклари сифатида унинг қайта тикланиши ва минтақавий интеграция жараёнларига жалб этилишига кўмаклашиш учун барча имкониятларга эга, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан форматимиз доирасида ушбу масалаларни кўриб чиқиш бўйича юқори даражадаги гуруҳ таъсис этишни ва унинг учрашувини Афғонистон вакиллари иштирокида чегарадош Термизда ўтказишни таклиф этаман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Фурсатдан фойдаланиб, Хитой Халқ Республикаси вакили Сунь Вэйдун жанобларига мулоқотимизнинг доимий фаолият юритувчи Котибияти бош котиби лавозимидаги фаолиятида муваффақиятлар тилайман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон очиқ мулоқотга, “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ эканини таъкидлайман. Ишончим комилки, бундай шериклик мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги ва равнақига хизмат қилади.

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, Хитой билан савдо, инвестициявий ва технологик ҳамкорлик Марказий Осиёнинг барча мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини амалга оширишда кучли локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақа мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш билимлар билан алмашиш ва технологиялар трансферининг самарали механизмларига эга бўлган умумий кенг имкониятлар макони пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Янги иқтисодий шериклик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда Бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳудудлараро кенгашни таъсис этиш бу борадаги амалий қадам бўлади. Ўзбекистон томони кенгашнинг биринчи йиғилишини жорий йил охиригача ўтказишга тайёрлиги билдирилди.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти «Рақамли макон ва йўл» доирасида «Рақамли Ипак йўли» кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, регламент ва стандартларни яқинлаштириш, экспорт маҳсулотларини Хитой талаблари асосида сертификатлаш учун Тошкент шаҳрида Саноатда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш минтақавий марказини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Бизнес, етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва муҳандислик марказларини жалб қилган ҳолда технологиялар трансфери бўйича алоҳида «Йўл харитаси»ни қабул қилиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси иқтисодий салоҳиятни самарали рўёбга чиқариш учун саноат ва инфратузилмавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш зарурлигига алоҳида тўхталди. Шу мақсадда «Марказий Осиё — Хитой» саноат ва инфратузилма макони узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Хитой инвестициялари, технологик ва илмий ечимларини жалб қилган ҳолда ўзаро боғланган саноат кластерлари, технопарклар ва логистика хаблари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой энергетика тизимларини ўзаро боғлаш, жумладан, юқори кучланишли электр узатиш линиясини барпо этиш мегалойиҳасини амалга ошириш масалалари ҳам диққат билан ўрганилиши лозим.

Минтақавий аҳамиятга молик йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган самарали молиявий воситаларни жорий этиш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда.

— Бугунги кунда амалда бўлган халқаро механизмлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим роль ўйнамоқда, аммо минтақанинг инвестицияга бўлган талабини тўлиқ қоплай олмаяпти. Экспертларнинг хулосасига кўра, Марказий Осиёни инфратузилмавий ривожлантиришда капитал қўйилмалар тақчиллиги бир неча юз миллиард доллар деб баҳоланмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу муносабат билан инфратузилмавий ташаббусларни илгари суриш учун самарали платформа бўла оладиган «Марказий Осиё — Хитой» тараққиёт фондини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Марказий Осиё ва Хитойнинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш яна бир устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошлангани Евроосиё маконидаги янги транспорт ва транзит коммуникациялари тизимининг муҳим элементи экани таъкидланди. Шу билан бирга, Трансафғон темир йўл магистрали лойиҳасини амалга ошириш янада кенг имкониятлар эшигини очади.

— Ушбу стратегик соҳа истиқболига оид умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун транспорт идораларимизга дала тадқиқотларини олиб бориш, логистика инфратузилмасини модернизация қилиш имкониятларини ўрганиш, муқобил йўлаклар бўйича юкларни ташиш борасида синов тариқасидаги лойиҳаларини амалга ошириш учун экспертлар гуруҳларини шакллантириш юзасидан топшириқ беришимиз зарур, деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Ушбу гуруҳлар ишининг натижалари асосида келгуси саммитга қадар транспорт йўлаклари ва замонавий транзит инфратузилмасининг ягона харитасини шакллантириш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқилиши керак.

Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгаришининг барқарор ривожланиш учун жиддий таҳдидларига эътибор қаратиб, 2030 йилгача мўлжалланган «Яшил» ривожланиш дастурини қабул қилишни жадаллаштириш, шунингдек, чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш, қурғоқчил ва чўл ҳудудларида биоэкологик барқарорликни ошириш бўйича мулоқот ва шериклик учун Экологик альянсни тузишга чақирди.

— Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларига алоҳида тўхталишни истар эдим. Айнан ушбу йўналишлар бугунги кунда миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини белгилаб, узоқ муддатли ўсишнинг драйвери бўлмоқда, — деди Президентимиз.

Иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор рақамли инфратузилмасини шакллантириш мақсадида катта маълумотлар базалари ва процессинг марказларининг Ўзаро интеграциялашган банклар тармоғини яратиш, шунингдек, асосий энергетика ва транспорт йўналишлари бўйлаб «Марказий Осиё — Хитой» оптик толали алоқа линиясининг рақамли трассасини барпо этиш таклиф қилинди.

— Халқларимизнинг бир-бирининг маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашишга бўлган умумий интилиши — бу бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Бугун қабул қилинаётган Ўзаро ташрифларни енгиллаштириш бўйича ташаббус ва Маданий-гуманитар тадбирлар дастури айнан шу мақсадларга қаратилган, — деди Президентимиз.

Бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг тарихий-маданий ресурсларини ўзида мужассам этган, тадқиқотчилар, талабалар, сайёҳлар ва креатив индустрия вакилларини қамраб олган «Ипак йўли маданий мероси» ягона рақамли порталини яратиш таклиф қилинди.

Шунингдек, профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш, университет ректорлари форумлари, фанлар академиялари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш орқали умумий илмий-таълим платформасини шакллантириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз терроризм, экстремизм, радикализм, наркотрафик, ноқонуний миграция ва кибержиноятчиликка қарши курашишда махсус хизматлар ва хавфсизлик кенгашлари орқали кўп томонлама ахборот алмашиш механизмларини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

— Биз учун нафақат қўшни, балки умумий тарихий-маданий ва иқтисодий маконимизнинг ажралмас қисми бўлган Афғонистон муаммоларига халқаро ҳамжамият эътиборининг пасайиши жиддий ташвиш уйғотмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Хитой ва Марказий Осиё давлатларининг Афғонистон билан ҳамкорлигида тўпланган бой тажрибани қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ушбу мамлакатнинг тикланишига кўмаклашиш ва уни минтақавий интеграция жараёнларига жалб этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича юқори даражадаги гуруҳни таъсис этишни таклиф қилди.

Гуруҳ учрашувини Термиз шаҳрида Афғонистон вакиллари иштирокида ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон «Марказий Осиё — Хитой» форматидаги очиқ мулоқот, прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Йиғилиш сўнгида давлат раҳбарлари Остона декларацияси ва Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Шунингдек, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Саммит якунида камбағалликка қарши, чўлланишга қарши курашиш, таълим соҳасидаги ҳамкорлик марказлари ҳамда тўсиқсиз савдо бўйича ҳамкорлик платформасини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остонага амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Дунё нигоҳи

# МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ УЧУН МУҲИМ ПЛАТФОРМА

*17 июнь куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити бўлиб ўтди. Мазкур саммит кўп томонлама минтақалараро ҳамкорликнинг самарали механизми сифатидаги мақомини мустаҳкамлади. Ушбу формат иқтисодиёт, транспорт, барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва гуманитар алоқалар соҳаларида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун янги уфқларни очиб, барқарор ривожланиш динамикасини намойиш қилади.*

*Халқаро экспертлар таъкидига кўра мазкур жараёнда Ўзбекистон асосий роль ўйнайди. Расмий Тошкент нафақат Пекин билан икки томонлама форматда стратегик шерикликни фаол ривожлантирмоқда, балки Марказий Осиёнинг жамоавий кун тартибини шакллантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшяпти.*

**Сунь ЧЖУАНЧЖИ,**
**Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:**



— 17 июнь Хитойнинг Марказий Осиёдаги яқин ва ишончли ҳамкорлари билан ўзаро муносабатларининг янги тарихига киради. Бу формат ишга тушганига бор-йўғи икки йил бўлди, бироқ вазирлар ва экспертлар даражасида жуда кўп машаққатли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон етакчиси юқори халқаро платформалардан Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликка янада кучли туртки беришга қаратилган долзарб мавзуларни ўртага ташлаб келаётганини яхши биламиз. Айниқса, Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг азалий буюк дўстлар ва бир-бирларига чуқур ҳурмат туйғуларига эга бўлган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказган икки томонлама учрашувини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Хитой стратегик шериклик муносабатлари ўзининг юксак чўққисида ва ҳар куни том маънода янги мазмун билан тўлдирилмоқда.

Етакчилар саммитини ўтказиш бўйича конструктив ишлар амалга оширилди. 2 июнь куни Самарқанд шаҳридаги очиқ осмон остидаги музейда Хитой Халқ Сиёсий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Шэнь Юэюэ бошчилигидаги делегация иштирокида иккинчи Ҳудудлар форуми муваффақиятли ўтганидан хабаримиз бор. Унда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Хитой ишбилармон доиралари делегациясини қабул қилиб, иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилди.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокаралар якунлангани тўғрисидаги баённома имзолангани ва давлат раҳбарлари ҳузурида эълон қилингани ҳам муҳим воқеадир.

Хитой Ўзбекистон етакчиси Раис Си Цзиньпин таклифини қабул қилгани ва жорий йилнинг сентябрь ойида Тяньцзин шаҳрида бўлиб ўтадиган ШҲТ давлат раҳбарлари саммитида иштирок этишидан миннатдор.

**Ма БИН,**
**Фудань университети Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари (Хитой):**



— 2023 йил май ойида Хитойнинг Сиань шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” янги механизми доирасидаги биринчи саммит бўлиб ўтди ва бу Пекин ҳамда минтақанинг бешта давлати ўртасидаги мулоқотнинг институционаллаштирилган форматининг бошланиши бўлди. Хитой ушбу механизмни чегара дипломатиясидаги стратегик янгилик ҳамда Ғарбий йўналишда “Бир макон, бир йўл” ташаббусини илгари суриш учун асосий платформа сифатида кўрмоқда. Хитой ташқи сиёсати доктринаси нуқтаи назаридан механизм нафақат Ғарбий чегараларда барқарорликни мустаҳкамлаш, балки Марказий Осиёда иқтисодий ва сиёсий иштирокини кенгайтириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мунтазам платформанинг яратилиши Хитойга савдо, инфратузилма ва хавфсизлик соҳасидаги асосий лойиҳаларни мувофиқлаштириш, барқарор ҳамкорлик архитектурасини шакллантиришга туртки беради. Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон учун бу йирик сармоя, илғор технологиялар, таълим ва гуманитар дастурлардан фойдаланиш имкониятини англатади. Шу билан бирга, Хитойнинг минтақанинг стратегик тармоқлари — логистика, энергетика, рақамли трансформация ва таълимдаги иштироки босқичма-босқич чуқурлашиб бормоқда.

Пекин Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини бўлажак Евроосиё йўлагининг энг муҳим бўғини сифатида кўриб, трансчегаравий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу транспорт артерияси минтақанинг логистик географиясини тубдан ўзгартириш, Марказий Осиёни Шарқий Осиё ва глобал таъминот занжирларига интеграциялаш имкониятига эга.

Ўзбекистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори мақомини мустаҳкамламоқда. Халқаро мувофиқлаштириш ҳам тизимли даражага кўтариляпти. Расмий Тошкент ва Пекин БМТ, ШҲТ, “Марказий Осиё — Хитой” механизми доирасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокараларнинг якунлангани тўғрисидаги баённоманинг имзоланиши икки давлат стратегияларининг сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамоҳанглиги рамзи бўлди.

**Антонио АЛОНСО,**
**Сан-Пабло университети профессори (Испания):**



— Ўзбекистон раҳбарининг саммитдаги иштироки минтақа давлатлари ва Хитой ўртасидаги тизимли ҳамда истиқболли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Илмий ва геосиёсий нуқтаи назардан ушбу формат нафақат расмий Пекиннинг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётганини, балки минтақа давлатларининг ўзлари ҳам ўзаро манфаат ва суверенитетни ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган кўп томонлама ҳамкорлик архитектурасини шакллантиришдаги фаол позициясини намойиш этади.

Бундай шароитда Ўзбекистон интеграция жараёнларининг асосий иштирокчиси ва конструктив ташаббускори сифатида ҳаракат қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатингизда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, сармоявий жозибадорликни ошириш ва халқаро ҳамкорлар, жумладан, Хитой билан ўзаро шерикликнинг барқарор механизмларини яратишга қаратилган аниқ йўналиш изчил давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Хитой сўнгги йилларда ўзаро англашув ҳамда стратегик шерикликнинг юқори даражасига эришди. Бу эса Ўзбекистон кун тартибини “Марказий Осиё — Хитой” форматини ривожлантириш учун янада аҳамиятли қилади. Савдо ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани, кўплаб инвестициявий лойиҳалар, гуманитар ва илмий-таълим алмашинувларининг фаоллашаётгани — буларнинг барчаси ўзаро муносабатларнинг етук, кўп босқичлилигидан далолат беради. Умуман, Остонада бўлиб ўтган саммит минтақавий интеграция учун янги уфқларни очади ва Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистоннинг мазкур жараёнга қўшган ҳиссаси эса энг юқори баҳога лойиқдир.

**«Дунё» АА.**

**IV Тошкент халқаро инвестиция форумида 30,5 млрд. долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди.**

Учрашув

# ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Австрия Республикаси Федерал кенгаши раиси Андреа Эдер-Гитшталер бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

Таъкидланганидек, бу — Австрия парламенти раҳбариятининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи. Ташриф икки давлат парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Музокаралар чоғида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя соҳасида тажриба алмашиш, туризмни ривожлантириш, ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, барқарор ривожланиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшлар сиёсати каби кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Сенат Раиси қайд этганидек, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда парламент ваколатлари изчил кенгайиб, хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштироки янги босқичга кўтарилмоқда.

Суҳбат давомида парламентлараро ҳамкорликни, жумладан, халқаро парламент ташкилотлари доирасида фаоллаштиришдан ўзаро манфаатдорлик билдирилди ва қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди. Парламентлар ва тегишли қўмиталар раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш, парламентлараро дўстлик гуруҳларининг қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш шулар жумласидандир.

**«Халқ сўзи».**

# ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Австрия Республикаси Федерал кенгаши раиси Андреа Эдер-Гитшталер билан учрашди.*



Учрашувда Ўзбекистон ва Австрия ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Австрия билан ҳамкорлиги халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ва икки томонлама конструктив муносабатлар кўринишида ривожланиб бормоқда.

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов меҳмонларга янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Ўз навбатида, Андреа Эдер-Гитшталер илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда барча соҳадаги илғор ислоҳотларни эътироф этиб, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ўзгаришларни юксак баҳолади.

Унинг таъкидлашича, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори даражада ташкил этилган ва ушбу нуфузли тадбир ўзаро тажриба алмашиш, парламентлар ўртасида алоқаларни кучайтиришда ўзига хос майдон бўлиб хизмат қилди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда фаоллаштириш муҳимлиги, бунда парламент дипломатияси салоҳияти ва дўстлик гуруҳлари имкониятидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишиб олди.

Учрашув очиқ ва конструктив руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

Сенат қўмиталарида

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, ҚИЗҒИН МУҲОКАМАЛАР



*Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарида бир қатор йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларнинг айримлари қонунлар муҳокамасига бағишланган бўлса, баъзиларида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, ёшлар билан тизимли ишлаш, профилактика жараёнида аёллар фаоллигини ошириш ҳамда давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.*

## Ядровий фалокат зарари тўлаб берилади

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенциясига (Вена, 1963 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг мазкур Конвенцияга қўшилиши натижасида фуқаролик ядро объектларида содир бўлган ҳодисалар оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлик режими, зарарни қоплаш тартиби, муддатлари ва тамойилларини белгилайдиган асосий нормалар ҳам татбиқ этилади.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади ядровий қурилма оператори томонидан бошқариладиган иншоотларда содир бўлган ҳодисалар натижасида юзага келган ядро зарари учун операторнинг жавобгарлиги, шунингдек, ядро зараридан молиявий ҳимояни таъминлаш учун минимал талабларни белгилашдан иборат.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистоннинг Вена конвенциясига қўшилиши ядро энергетикаси ва хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳуқуқий майдонга киришини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди. Бундан ташқари, ядровий хавфсизлигини кафолатлаш, бундай зарардан жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш ҳамда ядро энергетикаси соҳасида суғурта тизими ва компенсация механизмларини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Вена конвенциясига қўшилиши Халқаро атом энергияси агентлиги билан алоқаларни янада кенгайтиради ҳамда унинг дастурлари доирасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ишларини жадаллаштиради.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Зўравонликка қарши курашиш бугуннинг долзарб вазифаси

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Марказий Осиёда зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича минтақавий лойиҳаси билан ҳамкорликда зўравонликка қарши курашиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ мажлиси бўлиб ўтди.

“Зўравонликка қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорликдаги ҳаракатлар: аёллар ва болалар ҳуқуқлари ҳимояси, зўравон экстремизмга қарши идоралараро ҳамкорликни кучайтириш” мавзуида ўтган мажлис муҳокамасида айни йўналишдаги долзарб масалалар, жумладан, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, ёшлар билан тизимли ишлаш, профилактика жараёнида аёллар фаоллигини ошириш ҳамда давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Қўмита раиси Орзигул Қозихонова бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган зўравонликка қарши курашишда давлат ва нодавлат тузилмаларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракати муҳимлигини таъкидлади.

Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова ҳудудларда ёшларнинг медиасаводхонлигини ошириш, мавжуд бўлган контентларга танқидий фикр юритиш борасида ўқув-семинарлар ўтказиш таклифини билдирди.

Тадбир якунида иштирокчилар бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш, тегишли қонунчилик ва ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар билдирди.

## Қашқадарёда қонун ижроси ҳолати қандай?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши ҳолати ҳам муҳокама қилинди.

Унда қайд этилишича, вилоятда ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилган. Хусусан, вилоят маданият бошқармаси томонидан қонун ижросини таъминлашга қаратилган 2 та чора-тадбирлар режаси, 4 та “Йўл харитаси”, концепция ва қўшма буйруқ қабул қилиниб, ижро этилмоқда. Вилоят мусиқали драма театрида 32 та спектакль саҳналаштирилган, шундан 7 таси хорижий ва 25 таси маҳаллий режиссёрлар томонидан яратилган.

Маҳаллий бюджетдан 19 млрд. 73 млн. сўм ажратилиб, 16 та маданият марказида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида маданият соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда фаолиятни янада такомиллаштириш ва самарадорликни оширишга хизмат қилувчи масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Жумладан, маданият марказларида болаларни тўгаракларга янада кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижодий қобилиятини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига маданият марказларидаги тўгараклар фаолиятидан келиб тушадиган маблағларнинг тўгарак раҳбарларига манзилли ажратилишини таъминлаш имкониятларини ўрганиш вазифаси юклатилди.

Мусиқа мактабларида таълим йўналишларини кенгайтириш, хусусан, академик хонандалик, эстрада, театр санъати ва бахшичилик каби йўналишларни қамраб олиш орқали ўқувчиларнинг қизиқишига мос равишда имкониятлар яратиш тавсия этилди.

Президент ташаббусига кўра маҳаллаларда “Театр куни”ни ташкил этиш амалиётини жорий этиш ва бу борада режали ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бу борада маҳаллий бюджет лойиҳаси шакллантирилишида мазкур масалаларни инобатга олиш ва қўмита томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши маълум қилинди.

Мажлис якунида қабул қилинган қарорда ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш юзасидан Маданият вазирлиги зиммасига вазифалар юклатилди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар, жумладан, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ҳимоясини кучайтиришга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга, айрим қонун ҳужжатларидаги номувофиқликни бартараф этишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

## Миграция соҳаси янада такомиллаштирилади

Мажлисда миграция жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида миграция соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди, ушбу соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш берувчидан ёки буюртмачидан ундириш тартиби бекор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги иш қидираётган шахслардан мамлакатимиздан ташқаридаги ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар учун ҳақ ундириш бўйича тақиқ олиб ташланяпти.

Бундан ташқари, хусусий бандлик агентликларига хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор хорижий иш берувчиларни жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутиляпти. Хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилиниши лозим бўлган маблағлар миқдорини камайтириш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, миграция соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда мазкур соҳага хусусий секторни янада кенгроқ жалб этишга ҳамда кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Зарар ўрнини компенсация қилиш тартиби белгиланмоқда

Мажлисда давлат органи ёки унинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ҳамда юридик шахсларга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарарлар ва маънавий зиёнларни қоплашни тартибга солиш ягона қонун ҳужжати билан тартибга солинмасдан келинаётган эди.

**Адлия вазири ўринбосари Алишер Каримов** ўз маърузасида қайд этганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор деб топилган давлат органи мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибида ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Ёқубов** қонун лойиҳаси халқ манфаатларига, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилганини қўллаб-қувватлаган ҳолда, лойиҳанинг концепцияси долзарб эканини ва у партия сайловолди дастурида акс этганини таъкидлаб, айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди.

Депутат асосий компенсация тўловлари ҳудудий компенсация жамғармалари ҳисобидан тўланиши, захира жамғармалари эса ҳудудларда шакллантирилиши режалаштирилаётганини қайд этиб, лекин марказий давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар оқибатида етказилган зарарлар қайси манба ҳисобидан қопланиши кераклигига ойдинлик киритиш зарурлигини таъкидлади.

**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимояси қонунларда мустаҳкамланиши уларнинг тўлиқ амалга ошишига хизмат қилишини таъкидлар экан, қонун лойиҳасида ечимини топиши керак бўлган бир қатор масалалар борлигини билдирди.

Депутатнинг қайд этишича, қонун лойиҳасига кўра агар суд давлат органи ёки унинг мансабдор шахси томонидан қонунбузарлик орқали фуқарога етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талабни қаноатлантирса, у ҳолда суд қарорининг ўзида ушбу зарар ҳудудий компенсация жамғармаси маблағлари ҳисобидан ундирилишини кўрсатади. Шунингдек, суд ҳукми ижро қилиниши учун ҳудудий комиссия — яъни ҳудудий кузатув кенгашига юборилади.

Биринчи муаммо шундаки, суд қандай масалаларни ўз қарорларида баён этиши кераклиги процессуал қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Бироқ мазкур лойиҳа билан Жиноят процессуал кодекси каби тегишли қонунларга ҳеч қандай ўзгартириш киритилмаган. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 1-моддасида жиноят ишларини юритиш фақат ушбу кодекс асосида амалга оширилиши белгиланган. Бу эса янги қонун билан амалдаги қонунлар ўртасида зиддият пайдо бўлишига олиб келади.

Иккинчи муаммо шундаки, “ҳудудий кузатув кенгаши” қандай орган экани аниқ эмас. Ҳозирги амалиётга кўра, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тартиб асосида суд қарорлари ижро органига юборилади ва ижро органи мансабдор шахсдан зарарни ундириш масаласини кўриб чиқади. Янги лойиҳага биноан бу вазифа ҳудудий кенгашга ўтади. Бу эса мазкур кенгаш ижро органи вазифасини бажараётганини англатади. Агар шундай бўлса, у ҳолда унинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилиши шарт.

Депутатлар томонидан кўтарилган ушбу саволларга қонун ташаббускорлари батафсил тушунтириш бериб ўтишди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



## «Маъмурий огоҳлантириш» жазо чорасини жорий этиш таклиф қилиняпти

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, айрим хорижий давлатларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жарима жазоларидан ташқари “оғзаки огоҳлантириш” ва “огоҳлантириш” жазоси борлиги, бунда биринчи марта кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларни жаримага тортиш ўрнига, содир қилган қилмишининг ижтимоий оқибатларини тушунтирган ҳолда огоҳлантирилиши амалиётда бундай қилмишлар содир этилишининг олдини олишда юқори натижа бериши кузатилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “маъмурий огоҳлантириш” жазо чорасини киритиш ва ижтимоий хавфлилиги кам бўлган йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун огоҳлантириш жазосини қўллашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Жумладан, **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зиёдбек Юнусов**нинг қайд этишича, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига кўра, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли деб топилса, фақат суд ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод қилиб, огоҳлантириш билан чекланиши мумкин. Бу ҳолда огоҳлантириш маъмурий жазо ҳисобланмайди. Бироқ янги киритилаётган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28²-моддасида эса суд ёки мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан маъмурий огоҳлантириш қўллаши мумкин. Бу маъмурий жазо сифатида МЖТКнинг 23-моддасида белгиланган.

Депутат шу икки хил қўлланиш амалиётда чалкашликка, тушунмовчилик ва нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин эмасми, деган савол билан қонун ташаббускорларига юзланди.

Қонун лойиҳасига масъул қўмита — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Қандай масалалар эътирозларга сабаб бўлди?

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тафовут ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир.

Айни чоғда ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлашга тўсқинлик қилувчи, коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи ҳамда тадбиркорларнинг ортиқча сарсон бўлишига сабаб бўлувчи айрим нормаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келяпти.

Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси билан ўрмон фонди ерларини онлайн-аукцион орқали фойдаланишга бериш, шунингдек, йиғимлар фақат қонунлар билан белгиланишини назарда тутиш белгилаб қўйилмоқда.

“Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонунга эса меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини олиб келишни ташкил қилиш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда молиялаштирилиши таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳа билан Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш ваколатини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, **ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов** қонун лойиҳасининг номи қонун концепцияси ва мазмунига тўлиқ тўғри келмаётганига эътироз билдирди. Масалан, қонун лойиҳаси фақатгина 12 та қонун ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекланган бўлиб, масалага юзаки ёндашилган. Шунингдек, қонун лойиҳасининг муқаддима қисмида — қонун лойиҳасининг мақсади, вазифаси тўлиқ акс эттирилмаган.

Фракция раҳбари ташаббускорлар томонидан ушбу қонун лойиҳаси матни қайта таҳрир қилиниб, кейин киритилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан қатор аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Қонун ташаббускорлари билдирилган мулоҳазалар ва саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида 160 мегаваттли янги подстанция қурилади.**

Акс садо

# ИСЛОҲОТ МАРКАЗДАН ЭМАС, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК

*Дунёдаги иқтисодий жараёнлар, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан боғлиқ мураккабликлар, иқлим ўзгаришининг таъсири ҳар бир мамлакат олдига ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Ўзбекистон учун ҳам мазкур вазифа нафақат стратегик, балки ҳаётий аҳамият касб этади. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқ фаровонлиги ва ҳудудий ривожланишни таъминлашдан иборатдир.*

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ислоҳотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, озиқ-овқат инфляциясини жиловлаш, ижтимоий муҳитни яхшилаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ҳар бир фуқаронинг ўз иши, даромад манбаи бўлиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорликнинг асоси экани қайд этилди.

Бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича турли механизмлар ишлаб чиқилган. Хусусан, аҳолини касбга ўқитиш, ўз бизнесини бошлаш учун кредит ва субсидиялар бериш, маҳалладаги ерлардан унумли фойдаланиш каби механизмлар шулар жумласидандир. Аммо бу механизмлар тўлиқ ишлаши учун маҳаллий раҳбарларнинг масъулияти, ресурсларни тўғри бошқариш кўникмаси юқори бўлиши лозим. Яъни камбағалликка қарши кураш — бу фақат ижтимоий сиёсат эмас, балки маҳаллий даражада самарали бошқарув, жонкуярлик ва халқ дардига бефарқ бўлмасликдир. Агар жойлардаги раҳбарлар халқ ичида юрса, муҳтож оилани таниса, ҳар бир сотих ерда қандай ҳосил етиштириш мумкинлигини билиб, аҳолини унга йўналтира олса, муқаррар натижа бўлади.

Айтиш керакки, ҳар бир маҳаллада имконият бор. Уни фақат кўра билиш ва ҳаракат қилиш керак. Масалан, сув бор ерда сабзавотчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш мумкин. Агар мазкур жараёнга агротехнологиялар ва бозорбоп маҳсулот етиштириш стратегияси қўшилса, маҳалланинг ўзи экспорт қилувчи нуқтага айланади. Бу эса маҳалланинг иқтисодий юксалиши ва айни чоғда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур ёндашув, аввало, маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда иш олиб боришни талаб этади. Масалан, ҳар бир туманнинг иқлими, тупроғи, сув захираси, меҳнат ресурслари ҳар хил. Демак, ҳеч қайси туманга “бир хил” дастур билан ёндашиб бўлмайди. Ҳар бир ҳудуд учун индивидуал ёндашув энг тўғри йўл.

Сўнгги икки йилда дунёдаги геосиёсий вазиятлар озиқ-овқат нархлари кескин ошиб кетишига сабаб бўлди. Баъзи давлатларда бу ҳатто ижтимоий норозиликларга олиб келди. Шу боис Президентимиз йиғилишда озиқ-овқат инфляциясини жиловлашни стратегик устувор вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун энг самарали йўл — ички ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш экани айтилди. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қадоқлаш инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқда кооперация асосида ишлайдиган кичик корхоналарни кўпайтириш, бозорни талаб ва таклиф асосида тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш каби масалалар долзарб ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишдан аён бўлдики, мамлакат миқёсида белгиланган кенг кўламли вазифалар натижадорлиги уларнинг ижроси, аввало, туман ва маҳаллаларда қандай амалга оширилаётганига боғлиқ. Шу боис ҳар бир туман ўз салоҳиятини билиши, таҳлил қилиши ва ривожланиш режасини аниқ белгилаши керак. Аҳолини банд қилиш биринчи навбатда давлатнинг эмас, туман раҳбарининг шахсий бурчи бўлиши лозим.

Зеро, ислоҳот марказдан эмас, маҳалланинг ўзидан бошланиши керак.

**Анвар ТЎЙЧИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

# НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ЗАРУР

*16 июнь куни Президентимиз раислигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши ислоҳотлар жараёнини баҳолаш ва яқин келажакдаги устувор йўналишларни белгилашда муҳим босқич бўлди. Айни вақтда мамлакатимиздаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи механизмларни қайта кўриб чиқиш ва янги иш услубларини жорий этишда фидойилик билан бор куч, имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этади.*

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг дастлабки беш ойида эришилган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга тўхталди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш 6,4 фоиз, экспорт 18 фоиз, хорижий инвестициялар 46 фоизга ўсгани ва қиймати 3 млрд. долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга тушгани, 2 миллион 400 минг одам доимий даромад манбаига эга бўлгани таъкидланди.

Албатта, бу рақамлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланаётгани ва ҳудудлар фаоллигидан далолат беради. Шу билан бирга, эришилган натижалар билан бир қаторда, аҳолини ташвишга солаётган тизимли муаммолар мавжудлиги ва уларни зудлик билан ҳал этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир масалани чуқур таҳлил қилиб, унинг келиб чиқиш сабабини ўрганиш ва ечим топиш мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, дунёда турли можаролар авж олиб, савдо алоқалари ва логистика қийинлашаётгани, тинчлик, адолат ҳамда инсон қадрини улуғлашга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганига алоҳида урғу берилди. Энди ҳокимлар ва вазирлар имкониятларни тўғри баҳолаб, ташаббус кўрсатиб ишлаши, аҳоли ва бизнес билан мулоқотни янада кучайтириши, муаммоларни тез-тез ҳал қилиб бериши зарур. Ўз навбатида, биз, депутатлар ҳам сайловчиларимиз билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини аниқлаб, давлат идораларига самарали ечимлар таклиф қилишимиз керак.

Шу боис йиғилишда ижро интизоми самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш ва маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Тошкент халқаро инвестициявий форумида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, унда қиймати 30,5 млрд. доллардан зиёд савдо ҳамда инвестиция шартномалари имзолангани эътироф этилди. Ушбу шартномалар амалга оширилиши учун юқори бошқарув маданияти ва тизимли ёндашув талаб қилинади.

Президентимиз ташаббуси туфайли ижро интизоми ва фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг янги механизми жорий қилиниши ва бу аҳоли ҳамда маҳаллий ҳокимият ўртасида кўприк вазифасини таъминлаш вазифаси белгилаб берилди.

Президентимиз фуқаролар мурожаатларига тўғри ва тезкор жавоб бериш кераклигини бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас. Ушбу ташаббус доирасида “Халқ назорати” электрон портали ишга туширилиши, бу эса онлайн таклиф ва шикоятларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини бериши айтилди. Бу шаффофлик ва ҳисобдорликнинг тубдан янги даражага олиб чиқилишини талаб этади. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликларнинг кадрлар таркибида уларнинг ваколатлари ва масъулиятини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгаришлар бўйича аниқ таклифлар берилди.

Ҳокимларга туман ташкилотларининг штатларини қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Бу кўпроқ мобиль ва самарали жамоаларни шакллантиришга имкон яратади. Ҳар бир туманда малакали мутахассислар ва етакчи тадбиркорларни ўз ичига олган “Ислоҳотлар штаби”ни тузиш асосий янгиликлардан бири бўлди. Жойлардаги ишларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш асосида штаб аҳолининг реал эҳтиёжлари ва маълум бир ҳудуднинг салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда уч йиллик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар, берилган топшириқлар ҳар бир туманни фаол ривожланиш субъектига айлантириш бўйича ягона стратегиянинг элементлари ҳисобланади.

Масъулият, шаффофлик, натижаларга эътибор — бугунги кунда давлат бошқарувининг янгиланган модели айнан шу тамойиллар асосида барпо этилмоқда. Бу сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, унда одамлар, уларнинг манфаатлари ва фаровонлиги барча ўзгаришларнинг марказида туради.

**Бахтиёр АРТИҚОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# «Тўрт банддан иборат таклиф»: кенг қамровли муносабатларда тарихий бурилиш нуқтаси

*Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари юксак даражада ривожланяпти. Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ошиб бораётир, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида етакчи компаниялар иштирокидаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони кўпаймоқда. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича амалий ишлар олиб бориляпти. Ўзаро алоқалар парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш, рақамлаштириш ва саноатлаштиришни жадаллаштириш каби соҳаларда янада кенгайиб бораётгани эътиборга молик.*

## Биз ва жаҳон

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик майдонларида ҳам мустаҳкамланиб боряпти. Бундай майдонлардан бири — “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ҳамкорлик. 2023 йилдаги Сиань саммити доирасида давлат раҳбарларининг биринчи тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта Хитой ва Марказий Осиёда навбатма-навбат олий даражадаги учрашув ўтказишга келишиб олинди. Айни кунларда мазкур форматдаги иккинчи саммит Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтяпти. Тадбирда минтақа давлатлари раҳбарлари ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этмоқда.



“Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида ХХР Раиси Си Цзиньпин дунёга барқарор, фаровон, уйғун ва ўзаро боғлиқ Марказий Осиё керак деган таклифни илгари сурган эди. Замонавийлик руҳига, Марказий Осиёдаги ва умуман, жаҳондаги барча томонларнинг туб манфаатларига мос келадиган бу ёндашув Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик учун асос бўлди.

Иккинчи саммит кунларида Хитой ва Марказий Осиё фаол амалга ошираётган “тўрт банддан иборат таклиф”нинг натижаларини айтиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, бу йўналишдаги бир қатор ютуқлар нафақат минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга туртки берди, балки глобал бошқарувни ўзгартиришга кўмаклашишда ҳам муҳим роль ўйнади.

Евроосиё марказида жойлашган Марказий Осиёдаги барқарорлик минтақавий ва ҳатто глобал хавфсизликни таъминлайди. Халқаро майдондаги ҳозирги таҳликали вазиятда Марказий Осиёда нотинчлик юзага келса, бу таъминот занжирига таъсир қилади, экстремистик кучларга озиқ беради ва энергетика инқирозини чуқурлаштиради. Шу маънода, барқарор Марказий Осиё бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омилидир.

Минтақамиз табиий ресурсларга ва улкан ривожланиш салоҳиятига эга. У “Бир макон, бир йўл” ташаббусини биргаликда амалга ошириш зарурати эълон қилинган жойдир. Марказий Осиёнинг қишлоқ хўжалиги салоҳияти глобал озиқ-овқат хавфсизлигига ҳисса қўшади ва 80 миллион одамнинг яхши ҳаётга интилиши ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Марказий Осиёни бирлик, ҳамкорлик, бағрикенглик ва ўзаро ёрдам руҳида қуриш минтақа халқларининг мақсадидир. Бунинг учун барча мамлакатлар бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилиши, ташқи аралашувларга қарши туриши, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиши ва тинчликпарвар жамият қуриш устида ишлаши керак. Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасида кўприк бўлган Марказий Осиё ўз географик афзалликлари туфайли Евроосиёдаги ўзаро муносабатларнинг муҳим марказидир. Хитой — Европа темир йўл экспресси, Ляньюньган шаҳридаги Хитой — Қозоғистон логистика базаси, нефть ва газ қувурлари, автомобиль туннеллари ва бошқа шу каби лойиҳалар Евроосиёнинг таъминот ва ишлаб чиқариш занжирлари узлуксизликни таъминлаб, минтақавий инфратузилмани ва одамларнинг турмуш даражасини яхшилайди.

Сўнгги йилларда давлат раҳбарлари даражасидаги дипломатия туфайли Хитой ва Марказий Осиё ўзаро ишончнинг юқори даражасига эришиб, ҳар томонлама стратегик шериклик алоқаларини ўрнатди, инсониятнинг тақдири умумий бўлган жамиятни биргаликда қуриш билан шуғулланмоқда. “Бир макон, бир йўл” доирасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

2022 йилда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган видеосаммитда томонлар Хитой ва Марказий Осиёнинг тақдири умумий бўлган жамиятни ташкил этиш ниятини эълон қилди. 2023 йилда “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммити муваффақиятли ўтказилиб, ўзаро алоқалар механизми яратилди. Бу Хитой ва минтақа ҳамкорлигига янги туртки берди. Томонлар сиёсий муносабатларнинг янги моделини яратди, ишбилармонлик алоқалари эса минтақа тараққиётига кўмаклашмоқда. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва энергетика соҳаларидаги шерикликда сезиларли натижаларга эришилди.

> **“*Маълумотлар шуни кўрсатадики, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми 2024 йилда рекорд даражадаги 94,8 млрд. АҚШ долларига етди. Бу томонлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган дастлабки даврда қайд этилган кўрсаткичдан 206 баравар кўпдир. Шу билан бирга, Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига киритган умумий инвестиция ҳажми ҳам муттасил ўсиб бормоқда. 2024 йил ҳолатига кўра тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар ҳажми 17 млрд. АҚШ долларидан ошди. Хитой бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳар доимгидек юқори. Ўтган йилнинг ўзида ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 млрд. доллардан юқори бўлди.*”**

Ҳозирда Хитой минтақамизнинг бешта давлати учун энг йирик савдо шеригига айланиб улгурди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми 2024 йилда рекорд даражадаги 94,8 млрд. АҚШ долларига етди. Бу томонлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган дастлабки даврда қайд этилган кўрсаткичдан 206 баравар кўпдир. Шу билан бирга, Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига киритган умумий инвестиция ҳажми ҳам муттасил ўсиб бормоқда. 2024 йил ҳолатига кўра тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар ҳажми 17 млрд. АҚШ долларидан ошди. Хитой бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳар доимгидек юқори. Ўтган йилнинг ўзида ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 млрд. доллардан юқори бўлди.

Энергетика соҳасидаги стратегик ҳамкорлик “яшил” трансформацияга хизмат қилмоқда. Хитой “Бир макон, бир йўл” қурилишида юқори сифатли ҳамкорликни илгари сурар экан, нефть, газ, фойдали қазилмалар, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларда икки томон ўртасидаги шериклик салоҳиятини очиб бериш учун минтақа давлатларининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, “Адолатли Қозоғистон” иқтисодий сиёсати ва “Тожикистоннинг 2030 йилгача бўлган миллий тараққиёт стратегияси” доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Шу билан бирга, Хитойнинг кўплаб йирик нефть ва газ конларига эга бўлган Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари водород энергияси, қайта тикланувчи энергия манбалари, электромобиллар ишлаб чиқариш ва шу каби соҳаларда фаол ривожланмоқда. Хитой ва Ўзбекистон алоқалари доирасида йирик фотоэлектр ва энергия сақлаш лойиҳалари ишга туширилди. Бу Ўзбекистон иқтисодиётининг “яшил” трансформациясига ва мамлакат энергетика тизимининг барқарорлигини оширишга самарали ҳисса қўшмоқда.

Сўнгги йилларда томонлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мисли кўрилмаган даражага етди. Автомобиль ва темир йўллари, авиация, шунингдек, нефть ва газ қувурларини қамраб олган ҳар томонлама ўзаро боғлиқлик тармоғи яратилди. Ҳозирда Қирғизистондаги Шимол — Жануб янги автомагистрали қурилишининг учинчи босқичи ва Хитой — Тожикистон автомагистралининг асосий участкалари каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2024 йилда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши ҳам бошланди. Сиань, Ляньюньган, Чунцин, Урумчи ва бошқа кўплаб Хитой ҳудудларидан жўнатилаётган Хитой — Европа, Хитой — Марказий Осиё экспресслари минтақанинг савдо аҳамиятини ошираётган халқаро транспорт артериясига айланиб улгурди. 2025 йил июнь ҳолатига кўра жами 110 мингдан ортиқ поезд вагонлари жўнатилди, уларда умумий қиймати тахминан 450 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган юклар ташилди. Томонлар ўртасидаги йўловчи ва юк ташувчи йўналишлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, Сиань эса аллақачон Хитойда ушбу шаҳар орқали ўтадиган транспорт йўналишлари сони бўйича етакчига айланди.

Бундан ташқари, Хитой Марказий Осиёда бир қатор юқори даражадаги қишлоқ хўжалиги илм-фани ва техникаси паркларини қурди, қишлоқ хўжалиги экинларини селекция қилиш, сувни тежайдиган суғориш ва мелиорация соҳаларида техник ҳамкорликни амалга ошириш учун мутахассислар гуруҳларини юборди. Бу соҳадаги шерикликнинг ёрқин мисоли Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятида жойлашган намойиш паркидир.

Томонлар ўртасида маданий ва гуманитар алмашинувлар ҳам ривожланмоқда. Ҳозирда Хитой ва Марказий Осиёнинг 80 дан ортиқ ҳудуд ва шаҳарлари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилди, маҳаллий мутахассисларни тайёрлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўндан зиёд Конфуций институтлари ва Лу Бань устахоналари очилди. Минтақада хитой тилига қизиқувчи маҳаллий аҳоли сони доимий равишда ўсиб бормоқда. Хитой Марказий Осиё талабалари ўқишга йўл олаётган асосий йўналишлардан бирига айланди. 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб ШҲТнинг Хитой миллий халқаро алмашинув ва суд ҳамкорлиги институти ёшларнинг ҳуқуқий ва маданий алмашинувларини мустаҳкамлаш ва профессионал истеъдодларни тайёрлашга қаратилган “Shanghe Youth” юқори даражадаги стажировка дастурини ишга туширди. Давлатлар ўртасида визасиз режимнинг жорий этилиши, шунингдек, “Хитой — Марказий Осиё” халқаро сайёҳлик поездининг ишга туширилиши туфайли туризм соҳасидаги ҳамкорлик ўсишнинг янги нуқтасига айланди.

Анъанавий ва ноанъанавий хавфсизлик таҳдидларига дуч келган Хитой ва Марказий Осиё давлатлари терроризмга қарши кураш, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаётгани ҳам диққатга сазовор. 2024 йил июль ойида ШҲТга аъзо давлатлар тажриба алмашиш ва ҳамкорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хитойнинг Шинжон вилоятида “Терроризмга қарши курашда ҳамкорлик — 2024” қўшма машғулотларини ўтказди. 2024 йилнинг сентябрь ойида Хитойнинг Ляньюньган шаҳрида ХХР ва Марказий Осиё давлатлари жамоат хавфсизлиги ва ички ишлар вазирлари учрашуви механизмининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбир давомида турли мамлакатлар вакиллари трансмиллий жиноятчилик ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. 2025 йил апрель ойида “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ташқи ишлар вазирларининг олтинчи учрашувида киберхавфсизлик ва трансчегаравий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасида “Душанбе жараёни” доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида келишувга эришилди. Томонлар минтақавий хавфсизликни бошқариш самарадорлигини ошириш учун разведка маълумотлари алмашинуви механизмини яратишга ҳам келишиб олди.

Марказий Осиё ва Хитой дўстона муносабатларнинг минг йиллик тарихига эга. Бу турли синовлардан ўтиб, томонлар яхши қўшни, самимий дўст ва шерикларга айланди. Мураккаб халқаро вазият шароитида “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити янги тарихий бурилиш нуқтасига айланади. “Тўрт банддан иборат таклиф”нинг амалга оширилиши ҳамкорлик истиқболларини кенгайтиришга, яхши қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли шерикликнинг навбатдаги “олтин 30 йили”га старт берилишига ва инсониятнинг тақдири умумий бўлган жамиятни қуришга ёрдам беради.

**Садритдин ТУРОБЖОНОВ,**
**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.**

«Рақамли авлод қизлари — 2025» республика танлови ғолиблари таълим саёҳати учун АҚШга жўнаб кетди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6